

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВ КОМИЛДЖОН ШЕРКУЗИЕВИЧ

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Олий таълим муассасалари мисолида)

08.00.08—«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt296 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус,) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ҳамдамов Баҳром Касимович иқтисодиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Ибрагимов Абдугапур Каримович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Каримов Ньматулла Фатхуллаевич иқтисодиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60 А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___-рақамли реестр баённомаси.)

Н.Х. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

С.У. Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И. Каримқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётда бюджет тизимининг молиявий ахборотларини шакллантириш бўйича талаблар Давлат сектори учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланган бўлиб, ушбу стандартларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш асосида мамлакатлар миллий ҳисоб тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Халқаро амалиётда Давлат секторида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг асосан икки усули, яъни касса усули ҳамда ҳисоблаш усуллари мавжуд. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда дунё мамлакатлари давлат секторида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда 22,5 фоизи ёки 27 та давлат соф касса усулидан, 25 фоизи ёки 30 та давлат модификациялашган касса усулидан, 21,7 фоизи ёки 26 та давлат модификациялашган ҳисоблаш усулидан, 30,8 фоизи ёки 37 та давлат соф ҳисоблаш усулидан фойдаланади¹. Давлат сектори учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш давлат активлари ва мажбуриятларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг шаффофлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, бюджет тизими бюджетлари ижроси тўғрисида ишончли ахборотларни шакллантиришда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Халқаро амалиётда нуфузли молия муассасалари ҳисобланган Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, шунингдек бошқа шу каби халқаро ташкилотлар томонидан Давлат сектори учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини доимий ривожлантириб бориш мақсадида кенг қамровли тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда.² Ушбу тадқиқотлар Давлат сектори учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланишнинг хусусиятлари, уларда белгиланган талабларни бажариш ҳамда миллий иқтисодиётга жорий этишнинг афзалликларини белгилаб беради. Ривожланган давлатлар тажрибаси ва илмий ютуқларини тадқиқ этиш асосида давлат секторида, хусусан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини кенгайтириш бюджет тизимида маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун муҳим омил ҳисобланади.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Харакатлар стратегиясида белгиланган устувор мақсадларни амалга ошириш учун “Харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш ҳамда илғор халқаро

¹<https://ec.europa.eu/eurostat/documents/> веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

²PwC Global Survey on Accounting and Financial Reporting by Central Governments. 2nd Edition. PwC. (2015), <https://www.pwc.co.uk/assets/pdf>.

тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланиш³ каби вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, бюджет ижросида ҳисоб тизимини Давлат сектори учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштириш бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган тадбирлар режасини тасдиқлаш белгиланди⁴. Мамлакатимизда бюджет ижроси жараёни ва бюджет ҳисоби маълумотларининг шаффофлигини таъминлаш учун молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини кенгайтириш ва такомиллаштиришда халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республика иқтисодиётини тубдан ривожлантиришда бюджет тизимида амалга оширилган ислохотларнинг ўрни бекиёсдир. Жумладан, соҳага оид 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сон “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3917-сон “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни янада такомиллаштириш бўйича халқаро умумқабул қилинган меъёрларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзуни тадқиқ этиш юзасидан хорижлик ва юртимизнинг таниқли олимлари томонидан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асослари, халқаро стандартлардан фойдаланиш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисоалар мавжуд. Бюджет

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3917-сон “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни ташкил этишнинг айрим назарий ва услубий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Улар жумласига E.Bracci, C.Guthrie, C.Humphrey, L.Jones, J.Moll, O.Olson, I.Steccolini ҳамда Yu.Biondi кабиларни киритиш мумкин⁵. Жумладан МДХ мамлакатларида бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ҳамда молиявий ҳисоботни шакллантиришнинг айрим масалалари Л.Н.Алехина, О.Е.Качкова, Е.В.Мельникова, М.А.Рябова, А.Н.Сорокин, С.А.Табалина, Е.А.Федченко, Т.Четвергова, А.А.Ушаков ва бошқа⁶ олимларнинг илмий асарларида ўз аксини топган.

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботга оид мавжуд муаммоларни ҳал этишга доир илмий қарашлар Р.Д.Дўсмуратов, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, М.Қ.Пардаев, М.М.Тўлаходжаева, К.Б.Уразов, Б.А.Ҳасанов каби иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида, шунингдек, бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби ва унинг алоҳида объектларини назарий, услубий жиҳатдан такомиллаштириш, Давлат сектори учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари А.К.Ибрагимов, И.Т.Мамаджанов, С.У.Меҳмонов, Э.Т.Одилов, М.Останақулов ва Ш.В.Ғаниев⁷ каби иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисобига оид масалалар анча теран ишлаб чиқилган бўлса-да, лекин, бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни такомиллаштириш масаласи алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу ҳолат мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини белгилайди.

⁵Bracci E, Humphrey C, Moll J, Steccolini I (2015) Public sector accounting, accountability and austerity: more than balancing the books?. Accounting, Auditing & Accountability Journal 28(6): 878–908.; Guthrie, J., Humphrey, C., Jones, L. and O. Olson,(2007). Into the Shadows- A Reflection on International Development in Public Sector Accounting. A Paper presented At the 30th European Association Congress, Lisbon.;Yuri Biondi. “Harmonising European Public Sector Accounting Standards (EPSAS): Issues and Perspectives for Europe's Economy and Society” Accounting, Economics and Law: A Convivium. Volume 4, Issue 3, Pages 165-178. DOI: 10.1515/ael-2014-0015, October 2014.

⁶Алехина Л.Н. “Проблемы адаптации бухгалтерского учета в бюджетных учреждениях к условиям современной экономики”, автореф. к.э.н., Санкт-Петербург 2003 г.; Качкова О.Е. и др. Организация учета и внутреннего контроля в государственных (муниципальных) учреждениях://Монография//. М.: Издательство «Русайнс», 2015. 141 с. (256 с.); Мельникова Е.В. “Развитие бухгалтерского учета государственных”. автореф., к.э.н., 2010. 10 с., Мичуринск-наукагород, РФ; Рябова М.А., Айнуллова Д.Г., Бюджетный учет и отчетность: учебное пособие.–Ульяновск: УлГТУ, 2010. – (35 с), 184 с.; Сорокин А.Н. “Бухгалтерский учет в бюджетных учреждениях Франции и России”.Дисс.я., к.э.н. 42 с., Москва. 2004 г.; Табалина С.А. Международные стандарты отчетности организаций сектора государственного управления. Журнал “Вопросы государственного и муниципального управления”.№11-2003.; Федченко Е.А. “Методология анализа и контроля эффективностииспользования бюджетных средств государственными (муниципальными) учреждениями” автореф., д.э.н., 22 ст.(49 с). Москва 2017 г.; Четвергова Т. “Учет и отчетность бюджетной организации нового типа”, Журнал “Аудит” №7-2013.; Ушаков А.А.“Бухгалтерский учет и аудит эффективности использования средств в муниципальных учреждениях здравоохранения”,автореф., к.э.н., 2012.14 с.

⁷Дўсмуратов Р.Д. Бухгалтерия ҳисоби назарияси.Дарслик.–Т.: “Fan va texnologiya” 2013, 476 бет; Ибрагимов А.К. ва бошқ. “Бюджет назорати ва аудит”. Ўқув қўлланма. Infocom.uz. МЧЖ нашриёти. Т.: 2009 йил. 75-бет. (192 бет); Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.–Т.: “Шарк”. 2004.; Мамаджанов И.Т. “Вопросы практического применения Стандарта бюджетного учета №1 “Учетная политика”. “Справочник финансового работника”, Ташкент-2017. №2(62), 62-68 ст.; Меҳмонов С.У. “Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш”. и.ф.д. дисс. автореф. 15-бет. (76 бет). – Т., 2018.; Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкilotларида молиявий назоратни такомиллаштириш. и.ф.н. дисс. автореф.–Т.: 2012. – 28 б.; Останақулов М. Давлат сектори ва бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма.- Т.: “Иқтисод-молия”, 2010. 132-б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: и.ф.д. диссертацияси. – Самарқанд-2001 й., 43-бет.; Тулаходжаева М.М. “Организация и методы финансового контроля в Республике Узбекистан” автореф. дисс. д.э.н. – Москва. 1998.; Уразов К.Б. ва бошқ. “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари”. Дарслик. – Т.: 2007 йил, 15-бет.; Ғаниев Ш.В. Бюджет ташкilotларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида). и.ф.н. дисс. автореф.–Т.: 2008. Ўз.Р. БМА., 2008.,10 б.; Ҳасанов Б.А. “Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.//Монография//.-Т.: Молия, 2003 йил” 58-бет. (248 б);

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг тадқиқот ишлари режасига киритилган устувор йўналишлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади - бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертациянинг мақсадидан келиб чиқиб, унда қуйидаги вазифалар белгиланган:

бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни ташкил этишнинг алоҳида хусусиятларини асослаш;

бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ташкилий-услубий таъминотини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини юритиш жараёнини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

бюджет ташкилотларида инвентаризация жараёнларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бюджет ташкилотлари молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари - умумлаштириш, гуруҳлаштириш ва таққослама усуллар, монографик тадқиқот, иқтисодий таҳлил, абстракт-манتيкий фикрлаш, киёсий таҳлил, статистика, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” тушунчасининг мазмуни даромадлар ва харажатлар сметалари доирасида бюджет қонунчилиги талабларига мослаштирилган;

бюджет ташкилотларида инвентаризацияни амалга оширишда мол-мулк камомади ва ортиқчасини бухгалтерия ёзувларига мувофиқлаштириш ҳамда айбдор шахслардан ундириладиган маблағларни ҳисобда акс эттириш услубиёти такомиллаштирилган;

бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларни “UzASBO” дастурий мажмуаси орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тақдим этиш механизми таклиф этилган;

бюджет ташкилотларида чет эл валюта маблағларининг ҳаракати бўйича молиявий ҳисоботни шакллантириш ҳамда тақдим этиш услубиёти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда, “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” тушунчасига муаллифлик таърифи берилган;

бюджет ташкилоти ҳуқуқий шаклидаги олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг молиявий таъминот манбаларига боғлиқлик хусусиятлари очиқ берилган;

бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳисоб сиёсатини ташкил қилиш билан боғлиқ амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

бюджет ташкилотларида инвентаризация натижаларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини янада такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларни “UzASBO” дастурий мажмуаси орқали тақдим этишда электрон рақамли имзодан фойдаланиш механизми таклиф этилган;

“Бюджет ташкилотларида чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” шакли ва уни тузиш тартиби ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, давлат бюджетидан молиялаштириладиган олий таълим муассасалари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи тизими маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш ҳамда уларни янада такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил этиш ва молиявий ҳисобот ахборотларининг ишонччилик даражасини оширишга хизмат қилиши, шунингдек келгусида яратиладиган бюджет ҳисоби стандартлари ва бошқа бюджет қонунчилигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

“Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” тушунчасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ягона ёндашув асосида фойдаланиш юзасидан берган илмий асосланган таърифи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони асосида тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 91-банди бажарилишида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси “Тараққиёт стратегияси” марказининг 2018 йил 29 январдаги 0164/18-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” тушунчасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда илк бор яхлит тусда ифодалашга ҳамда фойдаланишга ҳуқуқий замин яратган;

инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича берилган таклифлар “Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида”ги Низомнинг “Бюджет ташкилотларида инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби” номли 8-параграфини шакллантиришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 30 январдаги ММ/03-04-06/267-сонли маълумотномаси. Илмий натижадан фойдаланиш бюджет ташкилотларида инвентаризация жараёнлари натижаларини бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш тартибини белгиланишига хизмат қилган;

бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларни “UzASBO” дастурий мажмуаси орқали тақдим этишда электрон рақамли имзодан фойдаланиш юзасидан берилган таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг (2017 йил 26 декабрдаги 182-сон) буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 февралда 2971-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича Қоидалари”ни ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган ҳамда амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 2 мартдаги АК/03-04-08/624-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларни тақдим этишда мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг замонавий, инновацион ечими бўлиб, вақтни тежаш, ортиқча харажатларни қисқартириш, субъектив омилларни бартараф этиш ҳамда маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилган;

бюджет ташкилотларида молиявий ҳисобот шаклларини такомиллаштириш юзасидан “Бюджет ташкилотларида чет эл валюта

маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” шаклини тузиш ва уни амалиётга жорий этиш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг (2017 йил 26 декабрдаги 182-сон) буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 февралда 2971-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича Қоидалар”ини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган ҳамда амалиётга татбиқ этилган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 2 мартдаги АК/03-04-08/624-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш давлат сектори учун молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларига яқинлашиш ва бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботни тузишда ахборотларнинг шаффофлиги ва ишончлилик даражасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 5 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган. Шунингдек, тадқиқот мавзуси юзасидан илмий ишланмалар бўйича таклифлари, бакалаврият таълим йўналишларида ўқитилаётган “Бюджет ҳисоби” фанининг ўқув ва ишчи ўқув дастурларини такомиллаштириш ҳамда ўқитишда фойдаланилмоқда. (Тошкент молия институти Ўқув-услугий Кенгашининг 2017 йил 24 ноябрдаги № 4-сонли баённомаси ва 2017 йил 5 декабрдаги маълумотномаси). Ушбу таклифлар иқтисодиёт таълим йўналиши талабаларининг билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 6 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола, шунингдек, республика ҳамда халқаро илмий-амалий анжуманларда 13 та маъруза ва тезислар нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усуллари тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг назарий - услубий асослари”** деб номланиб, унда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг назарий асослари ҳамда хусусиятлари, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришнинг норматив-ҳуқуқий асослари, бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботида доир халқаро стандартлардан фойдаланиш каби масалалар тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз молия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар бюджет ташкилотларида, жумладан олий таълим муассасаларида молиявий маблағлар манбаларидан самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Республикамизда иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги шароитда таълим тизимини молиявий соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши, бюджетдан ажратиладиган маблағларни асосли равишда қисқартириб бориш орқали бюджетдан ташқари маблағларни кенг жалб этиш бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан ҳисобланади. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарасини бюджетдан молиялаштириладиган олий таълим муассасаларини молиялаштиришдаги ижобий ўзгаришларда ҳам кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбалари (фоизда)⁸

⁸Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тайёрланган.

Маълумотлардан кўриш мумкинки, таҳлил қилинган давр оралиғида бюджетдан молиялаштириш манбалари йиллар бўйича турлича кўрсаткичларни қайд этган. Жумладан, 2016 йилда энг юқори 36,0 % кўрсаткич қайд этилган бўлса, 2017 йилда энг паст 28,2 % кўрсаткич қайд этилган. Рақамлардан маълумки, маблағлар манбаларини жамига нисбатан олганда, энг юқори улуш ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича шаклланган манбага тегишли. Ушбу манба бўйича таҳлил қилинган давр оралиғида деярли фарқли ўзгаришлар сезилмаган. Фақат 2017 йилга келиб бошқа йилларга нисбатан кескин ўзгариш, яъни 67,3 % кўрсаткич қайд этилган бўлиб, ўсиш кузатилган. Ривожлантириш жамғармаси маблағлари жамига нисбатан олганда, энг кам улушга эга. Ўрганилган давр оралиғида 2013 йилда нисбатан паст 3,3 % кўрсаткич қайд этилган, бошқа йилларда эса фарқли ўзгаришлар сезилмаган.


Мустақиллик йилларининг ўтган даври мобайнида давлат бюджети ижросини ислоҳ қилиш орқали ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳани ривожлантиришда сезиларли ўзгаришларга эришилди. Ҳозирги кунга келиб республикамизда Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ҳамда бошқа вазирликлар тизимидаги муассаса ва ташкилотлар сони 30 532 тани ташкил этмоқда⁹. Ўз-ўзидан маълумки, ушбу муассаса ва ташкилотларнинг аксарияти ижтимоий соҳа объектлари ҳисобланади. Ушбу объектлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Шу муносабат билан, давлат бюджетининг ғазна ижроси жорий этилиши орқали бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланиши таъминланди.

Айтиш мумкинки, ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган ва бераётган туб ўзгаришларни миқдор жиҳатдан ифодалаш ва сифат жиҳатдан тавсифлаш, назорат ва таҳлил қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборотларни олишда бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботларнинг маълумотларига мурожаат қилинади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни ташкилот раҳбари амалга оширади. Раҳбар ички ҳисоб ва молиявий ҳисобот тизимининг ишлаб чиқилиши, хўжалик операцияларини назорат қилиш тартиби, бухгалтерия ҳисобини тўлиқ ва аниқ юритилиши, ҳисоб ҳужжатларининг сақланиши, ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботни тайёрланиши, солиқ ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатларнинг тайёрланиши ҳамда ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаши шарт. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун бош бухгалтер ёки бухгалтерия ҳисоби вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс бухгалтерия ҳисоби хизматини амалга ошириш учун масъул ҳисобланади. Тадқиқотларимиз натижасига кўра, бюджет ташкилотларида, жумладан олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ташкилий, услубий ҳамда техник жиҳатларини ўзаро боғлиқликда тизимлаштириш қуйидаги кўринишда таклиф этилди. Шунингдек,

⁹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 1 февралдаги № 01/2-01-19-151 сонли маълумотномаси.

тадбиркорлик ва инновацион фаолиятдан тушган маблағлар бўйича ҳисоб-китобларни алоҳида юритиш тартиби таклиф этилди (2-расм).



2-расм. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг схематик кўриниши¹⁰

¹⁰ Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунида “Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботни тузишдан иборатдир” – деб келтирилган¹¹. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексида “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби” жумласига аниқ таъриф келтирилмаган. Шу сабабли ҳам ҳанузгача ушбу жумлаларни иқтисодчилар турлича талқин қилиб келмоқда. Жумладан, и.ф.д., профессор С.Меҳмонов ўз илмий-тадқиқот ишларида “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби бюджет жараёни ҳисобининг таркиби бўлиб, смета харажатларни тузиш, ижросини ва назоратини ташкил этишда активлар ва мажбуриятлар ҳолати ва уларнинг ўзгаришига сабаб бўлувчи операциялар ҳақидаги ахборотларни рўйхатга олиш, умумлаштириш ва тақдим этишнинг тартиблаштирилган тизими”¹² - деб изоҳ берган.

Бюджет ижросига оид қонунчилик асосларини, шунингдек тадқиқот мавзуимизга оид мамлакатимиз олимларининг илмий асарларини тадқиқ этиш натижасида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг мазмунини тўлиқ ёритиб берадиган бошқа таъриф келтирилмаганлигига амин бўлдик.

Шу сабабли, илмий изланишлар натижасидаги хулосалардан келиб чиқиб, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг мазмунини тўлиқ қамраб олган муаллифлик таърифи берилди, яъни **“Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби – ташкилотга даромадлар ва харажатлар сметалари доирасида ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳаракати ва ҳолатини ўрганиш, назорат қилиш, бошқариш мақсадида бюджет ижросига оид ахборотларни шакллантириш тизимидир”**¹³.


Ижтимоий соҳа объектлари ҳисобланган бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар таркибида таълим соҳаси салмоқли ўринни эгаллаган бўлиб, унда олий таълим муассасалари алоҳида ўринга ва хусусиятларга эга.

Олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бунда нафақат бюджетдан молиялаштириш, балки бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши жиҳатидан ҳам энг юқори ўринни эгаллашидир. Бюджет ташкилотларида, жумладан тадқиқот объекти ҳисобланган олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобининг алоҳида хусусиятларини асосан икки жиҳатдан ажратиб кўрсатиш мумкин. Бизнингча, ташкилий-услубий жиҳати бўйича ҳамда маблағлар, уларнинг ташкил топиш манбаси ва ҳаракатига боғлиқ алоҳида хусусиятларини қуйидагича фарқлаш зарур (3-расм).

¹¹Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни 4-модда (2016 йил 13 апрель, янги таҳрир, ЎРҚ-404-сон).

¹²Меҳмонов С.У. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш”: Дисс. автореф. 15-бет. (76 бет). ... и.ф.д. (DSc) – Т., 2018.

¹³Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тақлиф этилган, 29.01.2018 й.



3-расм. Олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг алоҳида хусусиятлари¹⁴

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш деганда ташкилотнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисида шунингдек, бюджет ижросига оид бухгалтерия маълумотларини шакллантириш, улар бўйича фойдаланувчи (ички, ташқи)ларни ишончли ахборотлар билан таъминлаш ҳамда даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси устидан доимий назоратни олиб борилиши тушунилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишни такомиллаштириш”** деб номланган бўлиб, ушбу бобда бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ташкилий-услубий жиҳатлари, бюджет ташкилотларида сметалар ижроси жараёнининг ҳисоби, бюджет ташкилотларида инвентаризацияни ташкил этиш ва натижаларни ҳисобда акс эттириш, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ташкилий-услубий таъминотини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш каби масалалар кўриб чиқилган.

¹⁴Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланган.

Мамлакатимизда бюджет ижросининг бюджет ҳисобини такомиллаштиришда Давлат сектори учун молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талаблари асосида ишлаб чиқилган “Ҳисоб сиёсати” номли 1-сон Бюджет ҳисобининг стандартини (2016 йил 27 декабрь, 2853-сон) мисол келтириш мумкин. Ушбу 1-сон БҲСда бюджет ташкилотларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришга оид нормалар белгилаб берилган. Ушбу стандартда ҳисоб сиёсатига қўйидагича яъни, “...белгиланган принципларга мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган аниқ услублар, асослар, йўл қўйишлар, қоидалар ҳамда усуллар мажмуи”¹⁵ - деб таъриф келтирилган.

Бизнинг фикримизча, ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва унинг таркибий тузилиши барча бухгалтерия ҳисоби субъектлари учун умумий жиҳатларга эга бўлиши мумкин. Бироқ, тадқиқотларимиз натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда бюджет тизими бюджетларининг ҳисоб объектлари, маблағлар ва маблағ манбалари, маблағлардан фойдаланиш тартиби шунингдек, даромад ва харажатларни ҳисобда акс эттириш усуллари бўйича фарқли жиҳатлар мавжудлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Бухгалтерия ҳисоби субъектларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш билан боғлиқ фарқли жиҳатлар¹⁶

Хўжалик юритувчи субъектларда	Бюджет тизими бюджетлари	
	Бюджет ташкилотларида	Молия органлари, гозначилик ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларда
ҲИСОБ ОБЪЕКТЛАРИ		
- узоқ муддатли активлар; - жорий активлар; - мажбуриятлар; - хусусий капитал; - молиявий натижалар; - харажатлар; - даромадлар.	- номолиявий активлар; - молиявий активлар; - дебитор мажбуриятлар; - кредитор мажбуриятлар; - молиявий натижалар; - харажатлар; - даромадлар.	- пул маблағлари; - харажатлар; - даромадлар; - бюджет ссудалари; - бюджетлар ўртасидаги ҳисоблашувлар; - олинган ва берилган маблағлар бўйича ҳисоблашувлар; - бюджет ижроси натижалари.
ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБДА АКС ЭТТИРИШ УСУЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ		
Ҳисоблаш усули	Ҳисоблаш ва касса усули	Касса усули
МАБЛАҒ МАНБАЛАРИ		
- ўз маблағлари; - жалб қилинган маблағлар.	- бюджет маблағлари; - тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар; - таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар; - ривожлантириш жамғармаси маблағлари; - бошқа бюджетдан ташқари маблағлар.	- республика бюджети маблағлари; - маҳаллий бюджет маблағлари; - давлат мақсадли жамғармалари бюджети маблағлари; - бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари.

Изланишларимиз натижасидаги хулосаларга кўра, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ ҳисоб сиёсатига оид алоҳида стандарт ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши зарур.

Бюджет ташкилотларининг самарали фаолияти кўп жиҳатдан унинг молиявий маблағлар билан етарли даражада таъминланганлигига боғлиқ бўлиб, ушбу маблағлардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш муҳим

¹⁵Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БҲС) “Ҳисоб сиёсати”, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 27 декабрда 2853-сон билан рўйхатдан ўтган.

¹⁶Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланган.

масалалардан бири саналади. Бу борадаги натижалар юзасидан тадқиқот объекти ҳисобланган Тошкент молия институтининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларининг ҳаракати таҳлил қилинди (4-расм).



4-расм. Тошкент молия институтини молиялаштириш манбалари улушининг ўзгариш динамикаси 2013-2017 йиллар(фоизда)¹⁷

Маълумотлардан кўриш мумкинки, таҳлил қилинган давр оралиғида шакланган маблағларнинг жамига нисбатан бюджетдан молиялаштириш йил сайин нисбатан қисқариб бориш тенденциясига эга бўлган. Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар эса аксинча, асосий ўрин тутган, яъни 2013 йил 81,4 фоиз, 2014 йил 80,3 фоиз, 2015 йил 83,7 фоиз, 2016 йил 83,9 фоиз, 2017 йил 89,8 фоизни ташкил қилган. 2017 йилда кўрсаткичларнинг нисбатан юқори бўлишини талабалар контингенти ортиши ҳамда оширилган тартибдаги тўлов-контракт шакли бўйича қабул қилинган талабалар улушига тўғри келган. Ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиши даврлар оралиғида 2016 йилда юқори бўлганлигини кўриш мумкин, қолган йилларда сезиларли ўзгариш юз бермаган. Грант маблағларининг шаклланиши бошқа турдаги маблағлар шаклланишига нисбатан кескин паст кўрсаткичга эгаллигини кўриш мумкин.

Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари асосида республика бюджетидан ёки маҳаллий бюджетдан молиялаштирилади. Бюджет ташкилотларида бир календарь йили учун тузилган харажатлар сметалари ижроси ҳисобот йили давомида ойлар ва чораклар кесимида ҳисобга олиб борилади. Бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси ижроси ҳисоби ҳақиқий харажатлар ва касса харажатлари шаклида юритилади.

Ҳозирда амалиётда бюджет ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича шакллантириладиган харажатлар сметаси шунингдек, бюджетдан ташқари қуйидаги: тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича тушган маблағлар, таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар, ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағлари бўйича тузиладиган даромадлар ва харажатлар сметалари, штатлар жадвали ҳамда иловаларини шакллантириш ҳамда расмийлаштириш жараёни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланган тартибда амалга оширилади. Илмий

¹⁷Тошкент молия институти молиявий ҳисоботларининг маълумотлари асосида тайёрланди.

тадқиқотларимиз натижасида бюджет ташкилотларининг бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тузиладиган даромадлар ва харажатлар сметалари, штатлар жадвали ҳамда иловаларини ташкилотнинг ўзи томонидан “UzASBO” дастурий мажмуасида шакллантириб, Давлат молиясини бошқаришнинг автоматлашган тизими “ДМБАТ”га электрон тарзда юборилиши ҳамда рўйхатга олиш тартибини жорий этиш таклиф этилди. Ушбу таклифларни амалиётга жорий этиш орқали ортиқча вақт сарфи, иш ҳажми ва моддий харажатларни қисқартиришга эришиш мумкин.

Хўжалик юритиш жараёнида ҳар қандай субъект ўзининг маблағлари ва уларнинг манбалари ҳаракати ва ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиши учун албатта маълум муддатларда инвентаризация жараёнларини ташкил қилиб туриши зарур. Шундан келиб чиқиб, бюджет ташкилотларида ҳам молия хўжалик фаолиятини амалга оширишда бухгалтерия ҳисобининг муҳим усули ҳисобланган инвентаризация алоҳида аҳамият касб этади. Инвентаризация бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг ишончилигини таъминлаш, маблағларнинг бут сақланиши ва мажбуриятларнинг ҳолатини назорат қилишга хизмат қилади.

Бюджет ташкилотларида инвентаризация натижасида аниқланган камомад суммаси моддий жавобгар шахс зиммасига юклатилса, бу жараённи ҳисобда тўғри акс эттириш юзасидан амалдаги ҳолатга ўзгартириш киритиш бўйича қуйидагича бухгалтерия ўтказмалари таклиф этилди (2-жадвал).

2-жадвал

Номолиявий активлар инвентаризациясини ҳисобда акс эттириш¹⁸

Муомала мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	Дт	Кт
Инвентаризация натижасида аниқланган камомад суммаси моддий жавобгар шахс зиммасига юклатилса		
Номолиявий активлар қолдиқ қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	170	Номолиявий активларнинг тегишли счётлари
Ходимга юклатилган жарима (пеня) суммаси	170	272
Номолиявий активлар бюджет маблағи ҳисобидан кирим қилинган бўлса		
<i>Номолиявий активлар камомади билан боғлиқ ундириладиган маблағларнинг бюджетга ўтказилиши</i>	280	160
Камомад билан боғлиқ юклатилган (жарима, пеня) суммасининг бюджетга ўтказиладиган қисми ҳисобда акс эттирилиши	272	160
Амалдаги ҳолат		
Камомад ва жарима (пеня) суммасининг келиб тушиши	113	170
Камомад ва жарима (пеня) суммасининг тўланиши	160	113
Таклиф этилган		
<i>Номолиявий активлар бюджет маблағлари ҳисобидан кирим қилинган бўлса, у бўйича ундириладиган маблағ бюджетга ўтказилиши керак. Шу сабабдан, моддий жавобгар шахслардан ундириладиган камомад (жарима, пеня) суммасини вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар сифатида акс эттириши зарур</i>	114	170
<i>Камомад ва жарима (пеня) суммасининг (бюджет ташиқоти ихтиёрида қолдириладиган қисми) моддий жавобгар шахсдан ундирилиши</i>	113	170
<i>Бюджетга ўтказилиши лозим бўлган сумманинг тўланиши</i>	160	114

Илмий изланишлар натижасига кўра айтишимиз мумкинки, бюджет маблағи ҳисобидан кирим қилинган активларнинг камомади моддий

¹⁸Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан таклиф этилди, 30.01.2017й.

жавобгар шахсдан ундирилиши жараёнида камомад суммаси бюджетга ўтказилиши лозим бўлган ҳамда ортиқча ундириладиган қисми эса бошқа бюджетдан ташқари маблағлар таркибига ўтказилиши зарур.

Диссертациянинг “**Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботлар таҳлили ҳамда уларнинг ташкилий-услубий таъминотини такомиллаштириш**” деб номланган учинчи бобида бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларни шакллантириш ҳамда уларнинг ахборот имкониятлари таҳлили ва бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботларни ташкилий-услубий таъминотини янада такомиллаштириш каби тадқиқот мавзуси доирасида изланишлар олиб борилган.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджет ташкилотлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажариши учун бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Мазкур маблағларни мақсадли сарфланишини таҳлил қилиш ҳамда келгуси молия йили учун даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш мақсадида молиявий ҳисобот маълумотлари таҳлиliga асосланилади. Мазкур жараёнларда маблағлар ва улар манбаларининг ҳолати ҳамда ҳаракати юзасидан тадқиқот объекти маълумотлари ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал

Тошкент молия институтининг бухгалтерия баланси маълумотлари¹⁹

(млн сўм)


№	Баланс моддалари номи	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2017 йилнинг 2013 йилга нисбатан фарқи (+;-)
АКТИВ							
1	Номолиявий активлар	7689,9	37073,5	39165,8	40298,8	40573,8	32883,9
2	Молиявий активлар	15874,9	17055,6	17852,2	20826,4	27847,6	11972,7
3	Дебитор қарздорлик	1164,4	180,2	448,5	472,1	502,2	-662,2
	Жами	24729,2	54309,2	57466,5	61597,3	68923,6	44194,4
ПАССИВ							
1	Кредитор қарздорлик	989,8	1146	1624,4	1407,1	1463,9	474,1
2	Молиявий натижалар	23739,4	53163,2	55842,1	60190,2	67459,7	43720,3
	Жами	24729,2	54309,2	57466,5	61597,3	68923,6	44194,4

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ўрганилган даврда номолиявий активларнинг соф қиймати, молиявий активлар, кредитор қарздорлик ҳамда молиявий натижалар қиймати ортган. Аксинча, дебитор қарздорлик 2013 йилда 1164,4 млн сўм, 2014 йилда 180,2 млн сўм, 2015 йилда 448,5 млн сўм, 2016 йилда 472,1 млн сўм ва 2017 йил 502,2 млн

¹⁹Тошкент молия институти молиявий ҳисоботларининг маълумотлари асосида тайёрланди.

сўмни ташкил этган. Дебитор қарздорлик 2013 йилда 2017 йилга нисбатан 662,2 млн сўмга кўпроқ суммани ташкил этган. Номолиявий активларнинг соф қиймати 2013 йилга нисбатан 2014 йилда кескин кўпайиши ушбу йилда институт балансига капитал қўйилмалар сифатида янги номолиявий активларнинг кирим қилиниши сабаб бўлган.

